



Нурислом ТҶХЛИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Энциклопедия бўлими мудири, профессор



«ИСЛОМ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида амалга оширилаётган йирик илмий лойиҳалардан бири кўп жилдли фундаментал «Ислом энциклопедияси»ни тузишдир. «Ислом энциклопедияси» катта ва ўта масъулиятли илмий-маърифий лойиҳа бўлиб, унинг чоп этилиши юртимиз ижтимоий-маънавий ва илмий-маданий ҳаётида катта воқеа бўлиши, шубҳасиз. Айтиш мумкинки, бу лойиҳанинг чеки-интиҳоси йўқ. Зеро, ҳаёт давом этар экан, жамиятда исломнинг муҳим ижтимоий ўрни ҳам сақланиб қолаверди.

Ислом бир ярим миллиарддан зиёд аҳолини қамраб олган дунёда энг кенг тарқалган самовий динлардан бири сифатида бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий жараёнларга фаол таъсир кўрсатаётган оламшумул феномендир. Бунинг боиси исломнинг фақатгина диний эътиқод бўлиб қолмасдан, балки кўп сонли аҳолининг турмуш тарзини ҳам белгилаб беришидир. Ўзбекистон ҳам ана шундай маънавий муҳит доирасида ривожланаётган мамлакатлар қаторида экани яхши маълум. Ислом тарихи ва маданияти, унинг устунлари ва ғоявий манбалари ҳамда у билан боғлиқ замонавий жараёнларни ўрганишга катта аҳамият қаратмоқда. Европа ва Осиёдаги илғор мамлакатларда Ислом энциклопедиясини яратиш тажрибаси бир асрдан зиёд тарихга эгаллиги ҳам айтиш шундай ҳақиқат билан изоҳланади.

Илк «Ислом энциклопедияси»ни («Encyclopaedia of Islam», Leiden, Holland) чоп этиш 1900 йилда Голландиянинг машҳур Лейден университетида бошланиб, 1939 йилда тугалланган. Тўрт жилддан иборат мазкур энциклопедия немис тилида ёзилиб, дастлаб инглиз ва француз тилларига, кейинчалик эса, араб, урду ва турк тилларига таржима қилинган. Мазкур нашр ушбу асарнинг янада йирикроқ ва кенгайтирилган шакллари яратиш ҳамда ушбу лойиҳанинг халқаро миқёсда оммалашувига тўртки берди.



Ислом энциклопедиясининг 12 жилдлик иккинчи нашрини тайёрлашда 38 мамлакатдан 340 дан ортиқ муаллиф иштирок этгани бунинг исботидир. Улар орасида, Ғарб дунёсининг етакчи исломшунос ва шарқшунос олимлари билан бир қаторда, В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, А.Ю.Якубовский, А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс каби машҳур рус арабшунос-шарқшунос академик олимлари ҳам бўлган. Ислом энциклопедиясининг янги версияларини яратиш ишлари бугун ҳам давом этмоқда. Жумладан, 1988-2013 йиллар мобайнида Туркия Диёнат вақфининг Ислом тадқиқотлари маркази томонидан 47 жилддан иборат туркча «Ислом энциклопедияси» нашр этилди.

Мамлакатимизда ҳам шўро даврида ўзбек тилидаги ислом маълумотномаси, мустақиллик йилларида эса, бир жилдлик «Ислом энциклопедияси» нашр этилган. Кейинги пайтларда юртимизда мазкур туркча «Ислом энциклопедияси»ни ўзбекчага айнан таржимаси устида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, «Ислом тамаддуни қомуси» тузилмоқда. Лекин том маънодаги ўзбекча «Ислом энциклопедияси»ни тузиш вазифаси кўламидан келиб чиқилса, бу соҳада бугунгача амалга оширилган ишлар уммондан бир қатра, холос.

Маълумки, ҳар қандай энциклопедия ўз даври ва жамиятидаги жараёнлар инъикоси бўлиб, тегишли мамлакат ва ҳудудларда устивор бўлган қадрият ва анъаналарни ўзида акс эттиради.

Энциклопедия диний мазмундаги воқеликларни мунтазам равишда тушунтириб борадиган муаллим вазифасини ўташи лозим. Шунга кўра, у энг сўнгги янгиликлар, тадқиқотлар билан тўлдирилиб, бойитилиб бориладиган академик нашрдир. Бундай серқирра ва залворли ишнинг бир ёки бир неча кишидан иборат муаллифлар гуруҳи томонидан амалга оширилиши амри маҳол


эгани кундек равшан. Уни кўп сонли иқтидорли олимлар ва диний уламолар, жумладан, бундай лойиҳага халқаро илмий жамоатчиликни жалб этиш салоҳиятига эга йирик илмий муассаса амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси олдига қўйилган «Ислом энциклопедияси»ни яратиш вазифаси айнан шундай мулоҳазалар натижасида пайдо бўлган, дейиш мумкин. Уни имкон қадар жадал ҳаётга татбиқ этиш мақсадида академиянинг Энциклопедия бўлимида илмий муҳаррирлар гуруҳи тузилди.

Қисқа муддатда энциклопедиянинг илмий концепцияси яратилди, унинг алифбо тартибидаги сўзлиги тузилиб, мутахассислар ҳукмига ҳавола этилди. Бугун концепция олимлар томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Қомуснинг Бош таҳрир ҳайъати, исломий илмларнинг йирик йўналишлари – Қуръон ва ҳадис, ақоид, фикҳ, ислом тарихи, адабиёти, санъати, тасаввуф, ислом ва бағрикенглик масалалари бўйича миллий ва чет эллик етук исломшунос олимлар, диний уламолар, тарихчилар, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунослардан иборат илмий маслаҳат кенгашлари шакллантирилди.

Тузилаётган янги энциклопедия камида 20 жилддан иборат, 60 мингдан кўпроқ мақолани ўз ичига олиши ҳамда аввал ўзбек тилида

чоп этилиши, кейинчалик бошқа тилларга ўгирилиши режалаштирилмоқда. Ушбу қомусий асар ўзининг маз-





мун-моҳияти, мундарижаси, хусусиятлари билан бундан олдин Ўзбекистон ва чет элларда яратилган энциклопедиялардан қатор жиҳатлари билан фарқ қилади. Унда динимиз арконлари, шаръий қонун-қоидалар, диний қадамжолар, йирик масжид ва мадрасалар, исломнинг тарқалиши ва равнақиға улкан ҳисса қўшган буюк шахслар, саҳоба ва тобеъинлар, азиз-авлиёлар, муҳаддис, фақиҳ, муфассир, мутасаввифлар, ҳофизи Қуръон ва ҳофизи ҳадислар, уламолар ҳақида алифбо бўйича тизимли маълумотлар берилади. Ундан йирик исломшунослар, жумладан, ғарблик олимларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳам жой олади. Энциклопедияда Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ислом илм-фани равнақиға қўшган улкан ҳиссасиға алоҳида эътибор берилди. Ушбу муносабат билан таъкидлаш жоизки, Ватанимиздан етишиб чиққан буюк алломалар шу қадар кўпки, уларнинг аксарияти ҳақида кенг жамоатчилик етарли тасаввурға эға эмас. Бундай кўп сонли олиму фузалолар ҳақидаги маълумотларға энциклопедияда алоҳида ўрин ажратилади. Шу орқали улар ҳақидаги қимматли маълумотлар илмий муомалаға киритилади. Шунингдек, унда ислом дини тарқалган барча мамлакатлар, хусусан, аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган ўлкалар ҳақидаги мақолаларға ҳам ўрин берилади.

Мақолалар исломдаги барча фикҳий мазҳабларға бирдек ҳурматға риоға этилган ҳолда ҳанафия-мотуридия мазҳаби нуқтаи назаридан ёритилади. Уларнинг ёзилишида илмийлик, холислик, асослилик бош мезон бўлади.

Энциклопедия неча жилддан иборат бўлишидан қатъи назар, ягона нашр ҳисобланади. Унинг ҳар бир жилдига киритилган мақола бошқа жилдлардаги мавзулар билан узвий боғлиқ бўлиши

лозим. Бир-бириға алоқадор мақолаларда маълумотлар такрорланмаслиги ва улар бир-бирини тўлдириши учун, шунингдек, ўқувчининг зарур мақолаларни қийналмай топишиға ёрдам бериш мақсадида ҳавола тизимидан фойдаланилади. Йирик, мунозарали, илмий изланишлар натижаси бўлган мақолаларға библиография илова этилади.

Шундай қилиб, тузилаётган янги «Ислом энциклопедияси»нинг асосий мақсади – ислом дини, умуман, мусулмон маданияти, халқимизнинг маънавий-маърифий меросининг динимизға алоқадор жиҳатларига оид халқимиз орасидан етишиб чиққан буюк алломаларнинг ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссасини илмий умумлаштириш; ислом дини, тарихи, таълимоти, унинг турли даврлардаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий жараёнларға таъсири тўғрисида холис илмий-таҳлилий маълумотлар бериш; исломий эътиқод моҳиятини бузиб талқин қилувчи мутаассиб, экстремист гуруҳлар фаолияти ва уларнинг иддаоларига қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш, зикр этилган радикал оқимлардан чиқаётган таҳдидларнинг олдини олиш; халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини оширишға кўмаклашиш ва бошқалардан иборатдир.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимиз учун бениҳоя зарур бўлган «Ислом энциклопедияси»нинг кўп жилдли илмий-академик нашрини амалға оширишдек долзарб ва мураккаб вазифанинг ижроси йўлида илмий жамоатчилик – олимлар, зиёлилар, уламолар ва бошқа ижтимоий қатламларнинг фаол ҳамкорлигиға умид билдириб, илмийлик, холислик ва бунёдкорлик билан суғорилган барча таклиф ва мулоҳазаларни чуқур мамнуният билан қабул этажогимизни изҳор қилиб қоламиз.